

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 23-ҳадис

23- وَعِنْ ابْنِ عُمَرَ وَعَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَا: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا زَالَ جَبْرِيلُ يُوَصِّينِي بِالجَارِ حَتَّىٰ ظَنَّتُ أَنَّهُ سَيُورِسْنِهُ». مُتَّقِقٌ عَلَيْهِ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳу ва Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жаброил менга қўшни хусусида тавсия бераверганидан уни меросхўр қилиб қўярмикан, деб ўйлаб қолдим», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: "Ёлғиз киши озчилик, биродарлари билан кўпчилик", деб айтилган ҳикмат машҳур. Инсон учун биродаридан ҳам яқинроғи - бир манзилда ёки яқин манзилда яшайдиган қўшнилардир. Чунки Ислом дини жамоат, иттифоқлик, дўстлик ва меҳр-оқибат динидир. У қўшниларга эътибор беришни, ўзаро ёрдамга ва самимий алоқаларни тиклашга чақиради. Қўшнилар орасидаги ўзаро алоқалар жамиятнинг салоҳияти ва кучини намоён қиласди.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Қўшни билан гўзал муомала қилишнинг аҳамиятли экани.
2. Жаброил алайҳиссалом энг буюк фариштадирлар. Энг буюк фаришта қўшни ҳақида васият қилиши - бу иш улкан амал эканини англатади.
3. Ҳар-бир мусулмон киши қўшниларига эътибор бериб, уларга гўзал муомала қилиши ва ҳақларини адо этиши шартдир. Ҳақларидан: салом бериш, bemor бўлса бориб кўриш, шариатга зид келмаган маросим ва муносабатларда иштирок этиш ва уларда кўмаклашиш.



NUBUVVAT MARVARIDLARI